

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**НОРМУРОДОВ ДАВЛАТ СОЙИБНАЗАРОВИЧ**

**ВИРУССИЗ КАРТОШКА УРУҒЧИЛИГИНИНГ АГРОБИОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Нормуродов Давлат Сойибназарович**

Вируссиз картошка уруғчилигининг агробиологик асослари.....3

**Нормуродов Давлат Сойибназарович**

Агробиологические основы безвирусного семеноводства картофеля...25

**Normurodov Davlat Soyibnazarovich**

Agrobiological basis of virus-free potato seed.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**НОРМУРОДОВ ДАВЛАТ СОЙИБНАЗАРОВИЧ**

**ВИРУССИЗ КАРТОШКА УРУҒЧИЛИГИНИНГ АГРОБИОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx18 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.agrag.uz](http://www.agrag.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Эргашев Ибрагим Ташкентович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Бўриев Хасан Чўтбоевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Раҳмонқулов Мурод Саид-Акбарович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори <b>Мамараҳимов Бунёд Икромович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2017 йил 30 ноябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университети, тел.факс:(99871) 260-48-00, e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533106 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тошкент давлат аграр университети. Тел.:(99871) 260 50 43.

Диссертация автореферати 2017 йил 17 ноябрда тарқатилди.  
(2017 йил 10 ноябрдаги 13.1 - рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда картошкadan олинадиган ўртача ҳосилдорлик гектаридан 17 тоннани ташкил этса, истеъмол қилиш эса бир киши ҳисобига йилига 31,3 килограммдан тўғри келмоқда. Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг картошка маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда унинг ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали эришиш мумкин<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда дунёнинг картошка ишлаб чиқарувчи мамлакатларида вируссиз асосда ташкил этилган уруғчилик майдонларида сифатли уруғлик материал етиштириш асосида картошканинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи селекцион ва технологик тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида картошка уруғчилиги вируссиз асосда ташкил этилган бўлиб, АҚШ, Германия, Бельгия, Россия, Голландия, Канада, Мексика, Италия, Франция ва Перуда картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун навларни танлаш ва яратиш, дастлабки материал олишнинг самарали усулларида, жумладан учки меристема усулида соғломлаштириш, уларни микроклонал кўпайтириш, олинган соғлом ўсимликлардан картошка уруғчилигида дастлабки материал сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида картошка селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида аҳолини ўзимизда етиштирилган сифатли картошка маҳсулоти билан билан таъминлашга эришилди. Бу борада, картошкачиликда маҳаллий навларга асосланган самарали бирламчи уруғчилик тизимини яратиш бўйича илмий-тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилигида дастлабки материал сифатида учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланганда инфекция резерваторлари, вирусли касалликларни ташувчи ўсимлик шираларининг тарқалиши, ривожланиш динамикасига таъсир этувчи муайян шароит хусусиятлари каби агробиологик омилларни ҳисобга олган ҳолда соғлом ўсимликларни қайтадан зарарланишини олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

йил 25 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Картошка селекцияси, вируссиз асосдаги уруғчилиги ва етиштириш технологиялари бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, International Potato Center (CIP) (Перу), Wageningen University (Голландия), Institute of Potato Research in Gross Luesewitz (Германия), European Association of Potato Research (Бельгия), International Plant Research Center Wageningen (Голландия), Бутунроссия картошкачилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (Россия), Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия),<sup>2</sup> Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида (Ўзбекистон) олиб борилган.

Картошка генетикаси, генофондини яратиш, сақлаш ва селекцияда фойдаланиш бўйича жаҳонда қуйидаги илмий натижалар олинган: картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун навлар танланган, учки меристема усулида соғломлаштириш, микрклонал кўпайтириш, навларнинг регенерацион қобилятлари бўйича намуналарининг пробирка ўсимликлари яратилган (Перу International Potato Center (CIP), European Association of Potato Research, Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти); агробиологик омиллар яъни, картошка вирусларининг резерваторлари ва уларни тарқатувчи ўсимлик шираларининг ривожланиш жараёни аниқланган (Wageningen University, Institute of Potato Research in Gross Luesewitz); учки меристема усулида соғломлаштирилган материалдан элита уруғларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилган (University of East England, Central Potato Research Institute); уруғчилик учун дастлабки материал олиш, генератив уруғлари ёрдамида хўраки ва уруғбоп картошка етиштириш усуллари яратилган (International Plant Research Center Wageningen, International Potato Center, Users Perspectives With Agricultural Research and Development).

---

<sup>2</sup> CIP. International Potato Center (<https://cipotato.org/potato/>), <http://www.wur.nl/en/wageningen-university.htm>, <https://researchelements.org/analysis.html>, <http://agris.fao.org/agris-search/search.do?recordID=DE92C0918>, <https://www.wur.nl/>, [www.vir.nw.ru](http://www.vir.nw.ru)

Дунёда картошкачилик соҳасида вируссиз асосда картошка уруғчилигини ташкил этиш учун қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: картошка генетикаси, генофондини яратиш, сақлаш ва селекцияда фойдаланиш; экинни вируссиз асосдаги уруғчилиги учун навларни танлаш учки меристема усулида соғломлаштириш; микроклонал кўпайтириш, навларнинг регенерацион қобилиятларини аниқлаш ва ҳар бир муайян тупроқ-иклим шароити хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли уруғлик картошка етиштиришни таъминловчи уруғчилик технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўпгина мамлакатларида (АҚШ, Россия, Голландия, Канада, Мексика, Италия ва Франция) Davis J.R. Huisman O.C., Everson D.O., Sorensen L.H. and Schneider A.T., Saad L., Hafez N., Mike Thornton., Ewing E. E., Caligari P. D. Bradley R. H., Berry J. каби олимлар томонидан картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун навларни танлаш ва яратиш, дастлабки материал олиш усуллари жумладан, учки меристема усулида соғломлаштириш, микроклонал кўпайтириш, олинган соғлом ўсимликлардан картошка уруғчилигида дастлабки материал сифатида фойдаланиш бўйича изланишлар амалга оширилган.

Республикамиз шароитида картошка селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиялари бўйича Н.Н.Балашев, Д.Т.Абдукаримов, В.И.Зуев, Т.Э.Остонақулов, С.Х.Хушвақтов, И.Т.Эргашев, М.К.Абдурахимов, А.Х.Ҳамзаев, А.Расулов, О.Қодирхўжаев, З.Исоқов, А.Элмуродов, Ш.Жабборов, С.Санаев ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-12-36 «Разработать и научно-обосновать систему безвирусного семеноводства картофеля в Узбекистане» (2003-2005 йй.), ҚХА-10-038-2 «Картошка селекцияси ва уруғчилигида биотехнологиянинг илмий асосланган самарали усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) ҚХА-9-048 «Генератив уруғларидан картошка етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) ҳамда ҚХА-8-020-2015 «Конкурс нав синовида янги картошка навларини баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва давлат нав синовида топшириш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун мос навларни яратиш ва танлаш, учки меристема усулида соғломлаштириш асосида ва бошқа усуллардан фойдаланиб дастлабки материал яратиш ва улардан сифатли уруғлик материал етиштиришнинг агробиологик асосларини яратишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

агробиологик омилларнинг картошка фитопатоген вирусларининг тарқалиши ва мавжуд сортиментда уларнинг зарарли таъсирини аниқлаш;

маҳаллий фитоценозни картошка вирусларининг резерваторлари сифатида ва уларнинг ташувчилари бўлган афидидларнинг тур таркиби ва ривожланиш хусусиятларини экологик омилларга боғлиқлигини аниқлаш;

вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш усуллари, жумладан, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан дастлабки материал сифатида фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш;

картошка уруғчилигида учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан етиштирилган элита уруғлари чиқими ва сифатига бирламчи уруғчилик питомникларида туганакларни жадал кўпайтириш усуллариининг таъсирини аниқлаш;

вирусларга чидамли, тезпишар ва ҳосилдор картошка навларини ва вируссиз асосдаги уруғчилик учун мос нав намуналаридан иборат генетик ресурс яратиш ҳамда сифтли уруғлик материал етиштиришни таъминловчи агротехнологик тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикада яратилган картошка навлари, уларни визуал баҳолаш ва серологик таҳлиллар асосида танланган клонлари, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклари, селекция жараёнида яратилган янги навлари ҳамда дурагай, дурагай популяциялари, ўзидан чанглатилган линияларнинг генератив уруғлари ва уларнинг туганак репродукциялари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб вируссиз асосдаги уруғчилик учун дастлабки материал яратиш усуллари, вирусларга чидамли янги навлар селекцияси, картошка вирусларининг инфекция ўчоқлари ва ташувчиларининг тарқалиши, уларнинг зарарлилик коэффициентлари, соғлом ўсимликларни қайтадан вируслар билан зарарланишини олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини Давлат нав синаш комиссияси, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» асосида ўтказилди. Ёзда янги ковлаб олинган туганаклар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари томонидан ишлаб чиққан услуби асосида ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланиб қайта экилди. Тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов услубида математик-статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор картошка уруғчилигини вируссиз асосда ташкил этишнинг агrobiологик асослари яратилган;

серҳосил, тезпишар, вирус касалликларга чидамли, бир йилда икки



марта ҳосил олишга яроқли ва вируссиз асосдаги уруғчилик учун мос картошканинг «Фаровон» ва «Феруза» навлари яратилган;

уруғлик сифатига вирус касалликларининг таъсири, уларнинг тарқалиши ва келтирадиган зарарига, нав хусусиятлари, экологик омиллар ва агротехник тадбирларнинг таъсир этиши исботланган;

картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш усуллари, жумладан, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган;

маҳаллий фитоценозда вирус ташувчи ҳашаротларнинг ривожланиш динамикаси, тур таркиби ва трансмиссион хусусиятлари асосида картошканинг вируссиз уруғчилигида соғлом ўсимликларни қайтадан вируслар билан зарарланишининг олдини олиш тадбирлари мажмуаси ишлаб чиқилган;

картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилигининг жадаллашган схемаси, бирламчи уруғчилик питомникларида учки меристема усулида соғломлаштирилган туганакларнинг кўпайиш коэффицентини оширишнинг ва соғлом дастлабки ўсимликларни қайтадан вируслар билан зарарланишини олдини олишни, сифатли уруғлик картошка етиштиришни таъминловчи вируссиз асосдаги уруғчилик тизими ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

картошка вирус касалликларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида тарқалганлиги ва вируслар сақланиши мумкин бўлган маданий ва ёввойи ўсимликларнинг тур таркиби аниқланган ҳамда муайян агробиоценозда ҳашаротлар популяциясининг тур таркиби, ривожланиш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар асосида бирламчи уруғчилик питомникларида уларга қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилган;

картошканинг «Қувонч 1656 М», «Баҳро–30» ва «Ҳамкор–1150» навларининг вируссиз асосдаги бир йилда икки ҳосил олиш орқали жадаллашган бирламчи уруғчилик схемаси ва вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги учун мос вирусларга чидамли навлар, ҳосилдор ва тезпишар дурагайлар, дурагай популяциялар ва ўзидан чанглатилган линиялар клонларидан иборат генетик ресурс яратилган ва амалий селекция жараёнига татбиқ этилган;

вируссиз асосдаги картошка уруғчилигида учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланиш ва бошқа дастлабки материал яратишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган ҳамда ҳосилдорлик, тезпишарлик, вирусларга чидамлилиги йўналишида картошканинг янги «Фаровон», «Феруза» навлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва СамҚХИда ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг

илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан таққослангани, шунингдек, тажриба натижаларининг ЎзР ОАК томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва Республика илмий журналларида чоп этилгани, тадқиқот натижалари сифатида янги картошка навларининг яратилгани ва Давлат синовига топширилгани, ЎзР интеллектуал мулк агентлигига ихтироларнинг топширилгани, олинган қонуният ва хулосаларнинг селекция ва уруғчилик амалиётига, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш усулларининг, жумладан учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланиш самарадорлигининг аниқланганлиги, бунинг учун мос навлар ва генетик ресурсларнинг яратилганлиги, Зарафшон воҳаси агробиоценозида картошка вирусларининг тарқалиши ва зарари, уларнинг резерваторлари ҳамда уларни ташувчи афидидларнинг тур таркиби, ривожланиш динамикаси, уларга таъсир этувчи экологик омиллар сортимент ва бошқа агробиологик омилларни аниқлаш орқали вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги асосларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти картошканинг янги «Фаровон» ва «Феруза» навларининг яратилганлиги, ҳосилдорлик, вирусларга чидамлик, тезпишарлик, учки меристема тўқималарининг регенерацион қобилияти ва бошқа қимматли хўжалик белги хусусиятларига эга, республиканинг тупроқ-иқлим шароити ҳамда вируссиз асосдаги уруғчилиги учун яроқли генетик ресурсларнинг яратилганлиги ва амалий селекция учун тавсия этилганлиги, «Картошка уруғчилиги учун соғлом материални танлашнинг янги усули» ҳамда «Селекция жараёнида намуналарни бир йилда икки ҳосил олишга яроқлилигини баҳолашнинг янги усули» номли ихтироларнинг Интеллектуал мулк агентлигига топширилгани, ишлаб чиқилган вируссиз асосдаги картошка бирламчи уруғчилиги технологиясининг жорий этилиши натижасида хўжаликларда юқори ҳосил олишни таъминловчи сифатли уруғлик материал етиштирилаётганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилигининг агробиологик асосларини яратиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида:

вирус касалликларига чидамли, тезпишар, серҳосил ва бир йилда икки марта ҳосил олишга яроқли картошканинг янги «Фаровон», «Феруза», «Улуғбек» ва «Гўзал» навлари яратилган. Картошканинг янгидан яратилган «Фаровон» ва «Феруза» навлари Давлат нав синовига топширилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2017 йил 13 мартдаги 53/4-144 ва 2017 йил 10 июлдаги 53/4-306-сон маълумотномалари). Ушбу навлардан сабзавотчилик фермер хўжаликларида гектаридан ўртача 2,2-5,9 тоннагача қўшимча картошка ҳосили олишга эришилган;

уруғлик картошка репродукциялари эртаги ва икки ҳосилли экинлар

сифатида яратилган бирламчи уруғчилик технологияси 2012-2016 йилларда Самарқанд вилоятининг Ургут, Тайлоқ, Жомбой ва Булунғур туманлари сабзавотчилик фермер хўжаликларидида 144 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 15 августдаги 02/22-424 сон маълумотномаси) ва 31,9 т/га гача ҳосил олинган;

технологияни жорий этилиши орқали ихтисослашган картошкачилик хўжаликларидида сифатли уруғлик картошка ҳосили етиштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш, тавсия этилган илмий нашрларда 30 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 12 таси хорижий журналларда чоп этилган ва 1 та монография нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида картошка вирус касалликларининг кенг тарқалганлиги, уларнинг зарарига агробиологик омилларнинг таъсири тўғрисида хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Маълумотлар бизнинг шароитда бу омилларни ҳисобга олган ҳолда экин уруғчилиги тизимига алоҳида ёндашувни талаб этиши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Айниқса, муайян шароитда вирусларнинг «ўчоқлари», уларни ташувчи ўсимлик шираларининг тарқалиши, ривожланиш динамикаси, тур таркиби каби маълумотлар экиннинг вируссиз асосдаги уруғчилигининг самарадорлигини белгиловчи муҳим агробиологик омиллардан эканлигини кўрсатади.

Вируссиз асосдаги уруғчилик учун дастлабки материал яратиш усуллари, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланиш самарадорлиги келтирилган. Шу билан бирга соғлом

материалнинг потенциал имкониятларидан максимал фойдаланиш ҳар бир регионнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда бирламчи уруғчилик питомникларида соғлом ўсимликларнинг қайтадан вируслар билан зарарланишининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги билан самарали бўлиши таъкидланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларни ўтказиш жой шароити, объектлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим тавсифномаси, ўтказиш шароитлари, объект ва услублари келтирилган.

Тажрибалар объекти бўлиб Давлат реестрига киритилган республикада яратилган навлар, уларнинг визуал ва серологик анализлар асосида танланган клонлари, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклари, селекция жараёнида яратилган янги картошка навлари, дурагай, дурагай популяциялари ва ўзидан чанглатилган линияларнинг генератив уруғлари ва уларнинг туганак репродукциялари хизмат қилди.

Навларнинг ўсув даври давомийлигини аниқлаш Давлат нав синаши комиссияси услубида, биометрик ўлчовлар картошкачилик илмий-тадқиқот институти услубида олиб борилди (М., 1967, 1989). Ўсимликларни яққол ҳолдаги вирус касалликлари билан зарарланиши визуал усулда, яширин шаклдаги Х, S, М ва У вируслари билан зарарланиш даражаси серологик анализлар ёрдамида баҳоланди (Методические указания по серологической диагностике вирусов и бактерий, поражающих картофель. М., 1972).

Картошка вирусларининг «ўчоқлари» бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ёввойи ва маданий ўсимликлар турлари картошка далаларидаги ва атрофидаги ўсимликларда аниқланди. Ўсимлик шираларининг қанотсиз шакллари миқдори «100 барг» усулида, ҳашаротларнинг қанотли шаклларининг пайдо бўлиш вақти, миқдори ва учиб динамикаси «Сариқ Мёрике идишлари» усулида, уларнинг тур таркиби эса Г.Х.Шапошников ва F.Muller (1966) жадваллари асосида ишлаб чиқилган А.Г.Зыкин (1970) аниқлагичи ёрдамида текислик, тоғ олди ва тоғли зоналар шароитида ўтказилди.

Экиш муддати ва схемасининг картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсири март ойининг I, II ва III декадасида 90x15, 90x20, 90x25 см схемаларда экилган вариантларда ўтказилди. Экиш муддатлари ва схемаси ўрганилган тажрибаларда Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси шароити учун умумқабул қилинган технология қўлланилди (Самарқанд, 1984, Тошкент, 1990).

Картошканинг уруғлик сифатларига таъсирини ўрганиш учун гектарига N<sub>100</sub>, N<sub>150</sub>, N<sub>200</sub> ва N<sub>250</sub> килограмм миқдордаги азотли ўғитлар билан озиклантирилган вариантлар ўрганилди. Назорат сифатида эса P<sub>120</sub>K<sub>75</sub> кг вариант хизмат қилди. Маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси Б.А.Доспехов (1985) усулида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Вирусиз асосдаги картошка уруғчилигида агробиологик омилларнинг аҳамияти» деб номланган учинчи бобида республикамизнинг текислик, тоғли ва тоғ олди зоналарида картошка вирус касалликларининг тарқалиши, зарарлилик коэффиценти, экин вирусларининг «ўчоқлари» сифатида маданий ва ёввойи ўсимликлар, уларни ташувчи афидидларнинг тур таркиби, ривожланиш динамикаси ва уларнинг трансмиссион хусусиятларига таъсири каби агробиологик омиллар келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, картошка вирус касалликларининг зарарлилик коэффиценти экинларнинг навига, тупроқ-иклим шароитига, инфекция турига ва қўлланилган технологияга боғлиқ. Масалан, текислик зонасида товар картошка далаларида ўсимликларнинг яққол ҳолдаги вирус касалликлари билан зарарланиш даражаси 2,4-8,0% ни, уларнинг зарарлилик коэффиценти 0,24-0,84% ни ташкил этган бўлса, тоғ олди шароитида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 0,1-1,8% ва 0,15-0,71% ни ташкил этди.

Яширин шаклдаги вируслар билан зарарланиш текислик зонасида энтомофил саналадиган Y вируси (46,1-60,0%) тоғ олди (23,5-46,1%) ва тоғ зоналарига (17,6–32,2 %) нисбатан кенг тарқалганлиги аниқланган бўлса, контакт усулда тарқаладиган X, S ва M каби вирусларнинг тарқалишида бундай қонуният кузатилмади. Бундай натижалар текислик зонасида вирус ташувчи ҳашаротларнинг кенг тарқалганлиги билан боғлиқ.

Ўрганилган ҳамма навларда ҳам ўсимликларнинг маҳсулдорлигини Y ва L вируслари кескин (14-39 %) пасайтириши, X ва M вируслари томонидан келтирадиган зарар миқдори эса камроқ (5-14 %) эканлигини кўрсатди. Агротехник тадбирлар ва экологик шароитлар ҳам вируслар келтирадиган зарар миқдorigа (2-20 %) таъсир кўрсатиши аниқланди. Картошка вируслари бошқа ёввойи ва маданий ўсимликларида ҳам сақланиши ва инфекциянинг тарқалиши учун ўзига хос “ўчоқлар” бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотлар давомида картошка вирусларининг ўчоқлари бўлган қора итузум (*Solanum nigrum*), қўйпечак (*Convolvulus avensis*), бангидевона (*Datura stramonium*), зубтурум (*Plantago lanceolato*), отқулоқ (*Rumex confurtus*) каби ёввойи ўсимликларда ўтказилган серологик анализларда картошка вирусларига нисбатан ижобий натижалар олинди. Бу ўсимликларда сақланаётган инфекция ташувчилар орқали картошка ўсимликларига ўтиши мумкин ва аксинча. Адабиётлар маълумотлари бўйича ҳамма ўсимлик ширалари ҳам трансмиссион хусусиятга эга эмас. Улардан асосий потенциал ташувчилари *Mizodes persicae*, *Aphis gossypii*, *Aphis frangulae* ва *Macrosiphum solanifolii* лардир.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича Ўзбекистон шароитида шафтоли шираси (*Mizodes persicae* Sulz) ва полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov) кенг тарқалган бўлиб, жами шираларнинг 54,5-67,0% ни ташкил қилди. Вирусларнинг резерваторлари бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ва

маданий ўсимликлар билан вирус ташувчи ҳашаротлар–ўсимлик шираларининг ўзаро алоқасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларимизда бу ўсимликларда ҳам *Mizodes persicae* Sulz ва *Aphis gossypii* Glovнинг қанотсиз шакллариининг мавжудлиги аниқланди.

Бу ўсимликларда шираларнинг миқдори картошка далаларига қараганда 8-25 марта кўп бўлиши мумкин. Тоғ олди зонасида текислик зонасига нисбатан ўсимлик ширалари икки баробардан зиёд миқдорда кам учраши аниқланди. Олинган натижалар картошка вирусларининг ташувчилари – афидидлар популяциясининг биологик хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ўрганиш асосида ҳар бир муайян шароитда экиннинг вируссиз асосдаги уруғчилигида ташкилий ва ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.



Диссертациянинг «**Картошка бирламчи уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш усуллариининг самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи боби вируссиз асосдаги картошка уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш усуллариининг самарадорлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Бирламчи уруғчилик питомникларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши хусусиятларини ўрганиш натижалари ўсимликларнинг энг юқори биометрик кўрсаткичлари учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланилган вариантдан олинди. Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан етиштирилган клонлар вирус касалликлари белгиларини намоён қилмаган бўлса, назорат вариантда навлар бўйича 0,8-1,2% ўсимликларда бундай белгилар ҳосил бўлди. Яширин шаклдаги зарарланиш эса мувофиқ равишда 1,2-1,9 ва 9,0-18,0% ташкил қилди.

Олинган натижалар картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилигида ўрганилган вариантлар орасида соғлом ўсимликларни олишнинг энг самарали усули бўлиб учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланиш эканлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Бу натижалар соғломлаштириш ҳамма навларнинг биологик потенциал имкониятларини оширишга ёрдам бериши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганакларидан дастлабки материал сифатида фойдаланилганда бошқа вариантларга нисбатан энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Яъни бу вариантда навлар бўйича гектаридан ўртача 27,7-32,6 т. ҳосил олинди. Олинган умумий ҳосилдан товар туганаклар чикими бўйича ҳам бу вариантда навлар бўйича (92,7-96,0%) энг юқори кўрсаткичга эришилди (1-расм).

Картошкачиликда ботаник уруғларидан кўпайтириш туганаклари билан етиштиришга нисбатан кўпгина афзалликларга эга бўлиб, гектаридан 3,0-3,5 т. уруғлик картошкани тежаш, туганакларни сақлаш ва ташиш учун қилинадиган ҳаражатлар камаяди.



- Визуал усулда танланган дастлабки материал яратиш усуллари (st)
- ▨ Визуал усулда серологик анализлар ёрдамида танланган
- ▩ Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганақлардан етиштирилган

**1 – расм. Дастлабки материал яратиш усуллари ни картошка навларининг суперэлита сифатларига таъсири, (1999 – 2001 йй.)**

Бу усул билан етиштирилганда вирус, виرويد, микоплазма ва бактериал касалликлардан ҳоли картошка туганакларини етиштириш мумкин. Шунинг учун бундай усулда бирламчи уруғчилик питомниклари учун соғлом ўсимликларни танлаш имконияти юқори бўлади.

Ботаник уруғидан етиштириб картошканинг вируссиз уруғчилиги учун соғлом дастлабки материал яратиш учун ВИР-8, К7115, Илона, Триумф ва Зара намуналаридан фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Уруғкўчатидан етиштирилганда улардан гектаридан ўртача 17,5 тоннадан (ВИР-8) 21,2 тоннагача (Зара) туганак репродукциялари уруғлик мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган ҳосил олинди.

Диссертациянинг «**Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан бирламчи уруғчилик учун дастлабки материал сифатида фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари**ни ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи боби учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан вируссиз асосдаги бирламчи уруғчиликда фойдаланишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашга қаратилган.

Маълумки, картошка бирламчи уруғчилигининг асосий вазифаларидан бири экиннинг нав ва экиш сифатларини сақлаган ҳолда соғлом дастлабки материални жадал кўпайтиришдан иборат. Уруғликнинг сифати эса, кўп жиҳатдан дастлабки кўпайтиришда ўсимликларни оммавий равишда вируслар билан қайтадан зарарланишини олдини олишга қаратилган тадбирларнинг қўлланилиши билан боғлиқ.

Тадқиқотлардан аниқланишича, учки меристема усулида соғломлаштирилган туганакларни кўпайтириш питомнигида 90x70см схемада экилиши уруғлик материалнинг кўпайиш коэффициентининг ошишига олиб келади. Масалан, баҳорги муддатда 90 x 70 см схемада экилганда Бахро–30 навида битта дастлабки туганакдан ўртача 23 дон туганак ҳосили олинган бўлса, оддий схемада бу кўрсаткич 15,2 донани ташкил этди. Қувонч 1656м ва Ҳамкор–1150 навларида ҳам ҳудди шундай натижалар олинди ва мувофиқ равишда бу кўрсаткичлар 12,1 ва 11,6 ўрнига ва 22,6 ва 14,3 донани ташкил этди.

Картошкани ёзда янги ковлаб олинган туганаклари билан қайта экилганда озиқа майдонига бўлган талабчанлиги кам эканлиги тўғрисида хулоса қилишга асос бўлди. Масалан, баҳорги муддатда катта схемада экилганда навлар бўйича туганакларнинг кўпайиш коэффициентининг 123,3-186,7%, маҳсулдорликнинг эса 111,8-133,7% ошиши аниқланган бўлса, ёзги муддатда бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 103,7-127,9% ва 115,1-126,4 % га ошириш имконини берди. Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан етиштирилган ўсимликларнинг майдон бирлигида туп сонининг ошиши билан кейинги репродукция ўсимликларининг вируслар билан яширин шаклда зарарланиш даражаси кучлироқ ошиб бориши кузатилди.




Бундай натижа туп қалинлигининг ошиши билан контакт усулида тарқаладиган вирусларнинг тарқалиш интенсивлигининг кучайиши ҳисобига амалга ошади.

Ҳосил структурасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўсимликлар озиқа майдонининг ошиши билан йирик туганаклар чиқимининг кўпайиши, майда туганаклар чиқимининг эса пасайиши ҳисобига кузатилди.

Соғлом уруғлик туганакларни экиш олди кесиш уруғлик материалнинг кўпайиш коэффициентини биринчи йил қўлланилганда навлар бўйича 11-48 % гача кўпайтириш имконини берди. Лекин кесилган туганакларнинг иккинчи авлодидан бошлаб туганаклар такрор кесилганда, зарарланган ўсимликлар миқдори ошади. Бу эса учки меристема усулида соғломлаштирилган материалнинг маҳсулдорлик сифатларининг пасайишига олиб келади.

Ёзда, янги қовлаб олинган туганаклар билан қайта экиш усулида бир йилда икки ҳосил олиш орқали туганакларнинг кўпайиш коэффициентини тадқиқотларда эса бу кўрсаткични навлар бўйича 18,3–43,6 дона ўрнига 55,2–77,9 донагача ошириш мумкинлиги аниқланди. Бундан ташқари, бу усул уруғчилик схемасини икки марта жадаллаштириш ва элита ялпи чиқимини ошириш имконини беради.



**2 –расм. Вируссиз асосдаги картошка бирламчи уруғчилик схемаси**

Учки меристема усулида соғломлаштирилган туганакларнинг кўпайиш коэффициентини оширишнинг комплекс усулларидадан фойдаланилганда ҳамда бирламчи уруғчиликнинг жадаллашган схемасида 100 та дастлабки туганакдан элита чиқими навлар бўйича 10,0-17,2 т. ўрнига 76,8-93,0 т. гача ошириш имконини бериши аниқланди. Ҳосилдорлик эса мувофиқ равишда 21,6-26,0 т. ўрнига 28,8-34,1 т ни ташкил этди (1-жадвал).

**1- жадвал**

**Картошка элитаси ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига бирламчи уруғчилик схемаси ва дастлабки материалнинг таъсири (2010-2012 йй.)**

Дастлабки материал ва уруғчилик схемаси	Ҳосилдорлик, т/га	Ҳосил структураси, %		
		30 граммгача	30-80 грамм	80 г дан йирик
<b>Бахро–30 нави</b>				
Одатдаги усулда	24,5	7,1	75,3	17,6
Соғлом туганаклардан жадаллашган схемада	32,0	5,2	65,8	29,0
<b>Қувонч 1656м нави</b>				
Одатдаги усулда	21,6	8,8	76,9	14,3
Соғлом туганаклардан жадаллашган схемада	28,8	6,7	71,2	22,1
<b>Ҳамкор–1150 нави</b>				
Одатдаги усулда	26,0	6,2	69,8	24,0
Соғлом туганаклардан жадаллашган схемада	34,1	3,0	65,4	31,6

ЭКФ<sub>05</sub> т/га

1,2-1,4

Соғлом дастлабки материалдан фойдаланиш давомида туганакларни жадал кўпайтириш усулларидадан ва тезпишар навлардан бир йилда икки ҳосил олиш ҳисобига уруғчилик схемасини жадаллашган тартибда олиб бориш сифатли уруғлик етиштириш ва соҳанинг юқори рентабеллик даражасини (144,2-188,2%) таъминлади.

Диссертациянинг «**Вируссиз асосдаги уруғчиликда агротехник тадбирларнинг картошканинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсири**» деб номланган олтинчи бобида экиш муддатлари ва схемасининг, ҳар хил меъёردаги азотли ўғитларнинг ва ҳосилни йиғиш олди палаклариди сеникация ўтказишнинг учки меристема усулида соғломлаштирилган дастлабки материалдан етиштирилган картошканинг уруғлик сифатларига таъсирини ўрганиш натижалари баён қилинган. Вируссиз асосда ташкил этилган уруғчиликда картошка тезпишар навларини баҳорда март ойининг биринчи декадасида 90x20 см схемада экиш энг юқори навлар бўйича 26,5-30,8 т/га ҳосилдорликни таъминлаши аниқланди.

Туп қалинлигининг ошиши билан ўсимликларнинг яширин шаклдаги, асосан контакт усулда тарқаладиган Х ва S вируслари билан зарарланиш даражаси ошади. Навлар бўйича энг паст зарарланиш даражаси 11,9-19,5% март ойининг биринчи декадасида 90x25 см схемада экилган вариантда кузатилди. Экиш муддатларининг кечиктирилиши билан ўсимликларнинг яширин шаклда вируслар билан зарарланиш даражасининг ошиши туфайли уруғлик сифатларига салбий таъсир кўрсатади.

Картошка вируссиз уруғчилигида баҳорги муддатда етиштирилган пайкалларда минерал ўғитларнинг гектарига  $N_{150}P_{120}K_{75}$  кг меъёردа озиклантириш соғлом уруғлик материал етиштиришни таъминлайди. Юқори меъёردаги азотли ўғитлар (200-250 кг/га) таъсирида ўсимликларда яширин шаклдаги вируслар билан, айниқса энтомофил вируслар билан зарарланиш даражаси кескин ошади. Лекин бу вариантларда вирус касалликлари белгилари «ниқоблананиши» кузатилади. Бундай натижа юқори нормадаги азотли ўғитлар таъсирида ўсимликларнинг вегетатив массасининг кучли ривожланиши ва шунинг учун ҳам инфекция ташувчи ҳашаротлар ўсимлик ширалари учун қулай муҳитнинг яратилиши билан боғлиқ.

Тадқиқотларда ўсимликлар оммавий гуллагандан 20-25 кундан кейин сеникация ўтказиш натижасида уруғлик пайкал ҳосилдорлигининг 11,4-21,3% пасайиши аниқланди. Лекин, уруғлик туганакларни ўстириб экиш ва палаклар сеникациясининг бирга қўлланилиши бундай салбий таъсирни камайтириб уруғлик сифатларига ижобий таъсир кўрсатади, кейинги репродукциянинг вируслар билан кам зарарланганлиги (назоратга нисбатан 16,5-19,6%) сабабли юқори ҳосилдорлик (20,6-23,0 т/га) ва рентабеллик даражасига эришишни (117,3-137,9%) таъминлайди.

Уруғлик туганакларни электроавжлантириш уруғлик картошканинг вируслар билан зарарланиш интенсивлигини 5-7% пасайтириши аниқланди. Шунинг билан бирга олинган натижалар ҳар томонлама ҳамда картошка уруғчилигида бу тадбирни кенг қўллаш натижасида соғлом дастлабки материални қайтадан вируслар билан зарарланишини камайтириш

орқали юқори уруғлик сифатларини сақлаб қолиш имкониятлари мавжудлиги учун электроавжлантиришнинг таъсир механизмини чуқур ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Картошканинг вируссиз асосдаги уруғчилиги учун мос генетик ресурс яратиш ва вирусларга чидамлилиқ селекцияси**» деб номланган еттинчи бобида Ўзбекистонда картошканинг вирус касалликлари кенг тарқалганлиги учун бундай инфекцион касалликларга чидамлилиги экин селекциясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланиши лозимлиги, вирусларга чидамлилиги, ҳосилдор ва тезпишар янги навларни яратиш бўйича олиб борган тадқиқотлар натижалари, яратилган навларнинг морфобиологик хусусиятлари баён қилинган. Бундан ташқари, вируссиз асосдаги уруғчилик учун регенерацион хусусиятларига қараб мос навларни танлаш натижалари мутагенезнинг ўсимликларнинг морфобиологик хусусиятларига таъсири келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича генетик ресурс сифатида ўрганилган намуналарнинг апикаль тўқималарининг регенерацион қобиляти намуналар бўйича 28-51% ни, кўчатларнинг яшовчанлиги эса 47-74% ни ташкил қилди.

Меристема тўқималарининг регенерацион қобиляти билан кўчатларининг тутувчанлиги ўртасида тўғри коррелятив боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Мини туганаклар ҳосил қилиш хусусиятлари бўйича Улуғбек, Феруза, Фаровон, Консул, Зафира, Элпассо, Сафия ва Сантэ навлари юқори кўрсаткичларга эга эканлиги учун ҳам вируссиз асосдаги ташкил этилган уруғчилик учун қимматли генетик материал бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги исботланган.

Физикавий мутагенлардан фойдаланиб олинган шаклларда Фантонэ–М ва Маркиз–М клонларининг айрим вирусларга ва колорадо қўнғизига чидамлилиги аниқланди.

